

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 160 (10.465)

2005 ЙИЛ 17 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА САТРАПДА

- **БУГУН** «Дамарик» маҳалласида Яққасарой туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими хамда туман ички ишлар бўлими ҳамкорликларида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- **БУГУН** «Шодлик» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Ўз уйингни ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил» деб номланди.
- **БУГУН** «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган семинар янги ўқув йили учун мактаблар ҳамда лицейларда «Камолот» етакчиларини сайлаш масаласига бағишланди.
- **БУГУН** 24-Мехрибонлик уйида «Камолот» ЕИХ Собир Раҳимов туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Қалбнинг меҳрга тўлсин» деб номланган тадбирда «Камолот» етакчи ва сардорлари иштирокида кўрик-танловлар, спорт мусобақалари уюштирилди.
- **БУГУН** Шукр Бурҳонов маҳалласида «Эни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЕИХ Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Тилларни ўрганимиз» тадбири қатнашчиларига сертификатлар топширилди.
- **БУГУН** «Навбахор» маҳалласида «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзусида ўтказилган тадбир «Камолот» ЕИХ Мирзо Улугбек туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН САМОЛЁТЛАРИ ХАЛҚАРО АВИАСАЛОНДА


Россиянинг «Волга-Днепр» авиакомпанияси буюртмасига асосан тошкентлик авиасозлар томонидан ишлаб чиқарилган ИЛ-76ТД-90ВД лайнери ва Т-114 самолётларининг янги турт модели Москва яқинидаги Жуковский (шаҳарчаси)да очилган халқаро авиасалонда намойиш этилди.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти бош директори Вадим Кучеровнинг таъкидлашича, янги самолётлар, айниқса, ИЛ-76ТД-90ВД самолёти авиасалон мутахассислари эътиборини жалб этди. Унга Россиянинг «Пермь мотор заводи» ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилган ПС-90А-76 двигателлари ўрнатилган. Лайнерга, шунингдек, Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа қатор шаҳарлари мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган замонавий авионика ўрнатилган.

Янги двигателлар олдингиларига нисбатан анча қувватли ва деярли шовқинсиз, — деди В.Кучеров. — Самолётга ўрнатилган двигателлар сертификатциядан ўтказилган бўлиб, шовқин ва эмиссиялар буйича халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради. Двигателларнинг қўллаб хусусиятлари олдингиларидан фарқ қилади. Уларнинг юқори қувватлилиги, тежамкорлиги (ёқили ҳаражатлари эскирган двигателларга нисбатан 20 фоизгача кам) Фарб компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган худди шу сингари двигателлардан деярли икки баробар арзонлиги шулар жумласидандир. Эндиликда самолётлар шовқин-

Яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодийналарига қизгин тараддуд кетаётган айти кунларда пойтахтимиздаги Марказий вокзалда йўловчи ва ҳайдовчиларга ажойиб тўхфа хозирланди. Тез фурсат ичида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган талаблар даражасидаги автобусларнинг сўнгги тўхташ жойи—шоҳбекат барчани мамнун этди.

Шаҳрим-фаҳрим




Янги ШОҲБЕКАТДА БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МАВЖУД

Шуни қувонч билан таъкидлаб ўтиш жоизки, айти дамада Марказий вокзал худудидаги янги шоҳбекатнинг бугунги қиёфаси илгариги кўринишидан мулақо фарқ қилади. Замонавий шоҳбекатга мос тушган соябону ўриндиқлар йўловчилар учун алоҳида қулайликдир. Уни бунёд этишда «Келажак» шўба корхонасининг қурувчилари ғайрат-шижоат кўрсатишди. Катта майдонни эгаллаган шоҳбекатнинг барча қулайликларидан баҳраманд бўлаётган йўловчилар ўз мамнуликларини қуйдагича изҳор этишди.

— Бу ишларнинг бошида турган ташаббускорларга миннатдорчилигимни алоҳида билдиришни истардим, — дейди биз билан суҳбатда йўловчи Илхом Юнусов. — Узим доимо 60-йўналишдаги автобусда ишга қатнайман. Илгари кетма-кет келиб тўхтайдиган автобуслар қатнови тартибсиз бўлиб, тиклигинда юриш нихоятда қийин кечарди. Ҳозир эса мулақо бошқача кўринишининг гувоҳи бўламан. Бу ердаги батариблиқдан барча йўловчилар хурсанд.

— Албатта, қулайлик, эътибор бор жойда қайфиятингиз ҳам кўтаринки бўлади, — дейди айти бир йўловчи Азиза Соилова. — Янги қурилиб фойдаланишга топширилган ушбу шоҳбекат аввалгисидан бутунлай фарқ қилади.



Ёзда ҳам, қишда ҳам автобус кутганда ўтирадиган, офтоб ва ёғингарчиликдан сақланган соябонлар мавжудлиги бизни хурсанд қилди. Энг қувонарлиси текис ва равшон шоҳбекатда автобуслар йўналиши ҳам бир текисдигидан барча бирдек мамнун.

Пойтахтимиз жамолини янада гўзал қиёфада намён этаётган қўли гул бунёдкорларимиз томонидан қурилиб фойдаланишга топширилган ушбу шоҳбекат ҳамшаҳарларимизга муносиб совға бўлди десак, хато қилмаган бўлармиз.

Орзуғул РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: иш бошлаган шоҳбекатнинг умумий кўриниши; шу худудда бунёд этилган ўтиш кўприги.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

олият юритмоқда. Бундан ташқари, ўзбек заводи Ҳиндистон, Франция, Исроил, Голландия, Канада билан кооператив алоқалар ўрнатган.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти 1941 йилда Химки шаҳри (Москва обл.)дан Ўзбекистонга кўчирилган Россия авиация заводи негизида ташкил этилган. Айти пайтда завод турли модификацияларда ИЛ-76 оғир транспорт самолётлари, шунингдек, ўрта магистралли ИЛ-114 йўловчи ташкил самолётлари ишлаб чиқармоқда.

1996 йилда корхона очик турдаги акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилган. Айти пайтда корхонанинг низоми капиталли 115,531 млрд. сўмни ташкил этади. Ҳозирги даврда корхона низоми капиталлида хорижий инвесторларга сотилиши учун қўйилган 26,5 фоиз акциялардан ташқари давлатга 24,5 фоиз акциялар қолмоқда. Корхона меҳнат жамоасига эса 10 фоиз акциялар тегишли. Бошқа акциядорлар — Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги 6,7 фоиздан акцияларга эгалик қилади.

Молиявий консультант — Россиянинг ФИНАМ инвестиция компанияси тавсиясига мувофиқ, корхона низоми капиталлини 5,5 баравар 115,531 млрд. сўмгача ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Низоми жамғармасини ошириш унга корхона интеллектуал мулки қийматини киритиш ҳисобига бир акция баҳосини 5,5 баравар 22 минг сўмгача кўтариш йўли билан амалга оширилди.

«Туркистон-пресс»

ХУМ САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган йилги суҳбат бўлиб ўтди.
- Нукус шаҳрининг Кўнгирут туманида ўтказилган минтақавий семинарда мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги Фармонида мувофиқ аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишлар таҳлил қилинди.
- Республика Ақшерлик ва гигиена илмий-тадқиқот институтининг Наманган вилояти филиалига янги ультратовушли диагностика аппарати келтирилди. «KWF» банки томонидан тўхфа этилган мазкур замонавий ускуна ногирон ҳомилани эрта аниқлаш, ҳомиланинг ривожини кузатиб бориш имконини беради.
- Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Бағдод тумани марказида янги спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қўқон шаҳридаги «Отажоний» қурилиш-таъмирлаш корхонаси бунёдкорлари барпо этган мажмуа теннис кортлари, футбол ва волейбол майдонлари, сузиш ҳавзасини ўз ичига олади.
- Термиз шаҳридаги «Алпомиш» стадионидида вилоят халқ таълими ходимларининг аънаванавий спартакиадаси ўтказилди.
- Халқаро Оролни кутқариш жамғармасининг Нукус филиали томонидан Мўйноқ туманида ички қўлларни сувга тўлдириш, балиқчилик ва чорвачиликни қайта тиклаш борасида амалга оширилётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда минтақада 8 та кўл қайта тикланиб, уларда жами 250 миллион кубометр сув сақланяпти.

Жаҳонда

- Япониянинг шимоли-шарқий худудларида кучли zilzilalar рўй берди. Ер силкиниши натижасида Мияги префектурасида ва Онагава шаҳарларида учта атом электр станциясидаги реакторлар автоматик тарзда ўчди, бир неча йўналишлардаги теъорар поездлар ҳаракати тўхтайтиб қўйилди.
- Хар иккала мамлакат раҳбарлари ўртасида имзоланган келишувга мувофиқ Россия Федерациясига қарашли энг сўнгги ҳарбий техникалар Грузиядан олиб чиқиб кетилди.
- Афғонистонда ҳарбий вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида НАТОнинг ушбу мамлакатдаги тинчликпарвар кучлари таркибидан 17 ислан аскари ҳаётдан кўз юмди.
- Жаҳон ахборот агентликларининг маълумотига кўра, Ҳиндистон аҳолисининг ўсиб бориш суръати ҳозиргидек сақланиб қолса, 2035 йилга бориб, у дунёнинг энг кўп аҳоли истикомат килувчи Хитой давлатидан ўзиб кетади. Ҳинд демограф олимларининг айтишича, мамлакат аҳолисининг сони 2035 йилга бориб, 1,46 миллиард кишини ташкил этиши мумкин.



Мустақиллик медалари



Собир Раҳимов туманида 288,5 минг аҳоли истиқомат қилиб, умумий майдони 3,45 минг гектардан иборат. Туман катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга, sanoatlashgan худудлардан саналади. Аини пайтнинг ўзида туманда 20 та катта корхона фаолият юритмоқда-ки, "Оникс", "Чинни заводи", "Тошкенткабель", "Агрегат заводи", "Шостранс" очик акциядорлик жамиятларини ана шундай корхоналар қаторига киришимиз мумкин.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ЯШНАМОҚДА

Жорий йилнинг сўнгги олти ойи мобайнида туманда 23,4 миллиард сўмлик sanoat mahsulotlari, 10,7 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бу эса ўтган йилга nisbatan анча юқори кўрсаткични ташкил этади. Йил бошидан корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, янги mahsulot turhlari ўзлаштирилди. Туманда мебель хижозлари, тўқимачилик, озиқ-овқат mahsulotlari ишлаб чиқарувчи, шунингдек, транспорт ва aloqa xizmatini йўлга қўювчи 112 та қўшма корхоналар фаолият юртади. Шу ўринда корхоналарнинг экспорт салоҳиятига тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида 4 миллион АҚШ доллари микдоридagi mahsulot четга экспорт қилинди.

Туманда жорий йилда ўтган йилга nisbatan хусусий тадбиркорлар сони бир неча баробарга ошди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2004 йилда 2431 та хусусий фирма тумандан рўйхатдан ўтган бўлса, жорий йилнинг сўнгги олти ойи ичида рўйхатдан ўтган хусусий фирмалар сони 2510 тани ташкил этди.

Шу ўринда туманда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига alohida тўхталиб ўтса арзийди. Айниқса туманнинг Эски шаҳар қисмида амалга оширилган қурилиш ишларини кўриб кишининг кўзи қувнаши табиий. Юртбошимиз-

нинг ташаббуслари, туман фаолларининг жонкуярликлари билан бугунги кунга келиб Эски шаҳар қиёфаси бутунлай ўзгача чирой

Шунинг билан бир қаторда ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Албатта, қиёфаси кун сайин чирой очиб бораётган туман аҳолиси ҳам бундан бениҳоя хурсанд.


— Энг муҳими Эски шаҳар Янги шаҳар қиёфасига кирди. Болалар боғчалари, мактаблар замонавий кўринишда қайта таъмирланди, ҳар бир ширкатга қарашли уйлар ёнида болалар майдончалари қурилмоқда. Бу эса бизни ниҳоятда қувонтиради, — дейди туманда истиқомат қилувчи Ҳабиба Юнусова.

Шуни alohida таъкидлаб ўтиш керакки, туманда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тошкент Давлат техника университети жойлашган. Ушбу олий ўқув юртлири неча йиллар давомида кўплаб олимлар, соҳа мутахассисларни етиштириб бормоқдаки, бу албатта туман фахри ва гурури саналади.

Айни пайтда туманда ижтимоий масалаларга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу йилнинг ўзида 5,3 минг аҳолига турли хилдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. Туманда 20 та даволаш-профилактика муассасалари фаолият юртади ва улар доимо аҳоли хизматида шай.

Хулоса ўрнида шунга айтиш лозимки, Собир Раҳимов тумани Мустақиллик йилларида янада чирой очиб, яшариб-яшнаб бормоқда.

Орзугул РУСТАМОВА



очди. Туман худудидаги тор ва нотекис кўчалар қайта қурилиб, кенг ва раво йўللарга айлантирилди, пастқам уйлар ўрнида замонавий бинолар қад ростлади, муҳташам иморатлар бунёд этилмоқда.

БАЙРАМГА ҚИЗГИН ТАРАДДУД

Пойтахтимизда Истиқлолнинг 14 йиллигини муносиб кутиб олишга қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Деярли ҳар бир янги кун азим шахримиз кўркига байрам тароватини бахшида этаётир. Бундан у янада гўзал, обод, кўркам бўлмоқда, одамлар кайфияти чоғ, кўтаринки руҳда, уларнинг ушбу жараёнда қатнашиш иштиёқи эса янада кучлироқ сезилаётир.

Марказий кўчалар, шоҳкўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, хибонлар — ҳамма-ҳамма жойда байрам тароватини атрафга ёяётган анъанавий хилма-хил байроқлар ўрнатилган, «Безак» ижодий бирлашмаси ҳамда Тошкент халқаро бизнес-маркази томонидан ишлаб чиқилган янги безаш мосламалари эса айниқса кўзи қувонтирмоқда. Бу йилги байрам панно ва торттичларининг ҳам мавзуси анча бойитилган, ранг-баранглиги билан кескин ажралиб турибди. Уларда мустақиллигимиз йилларида барча жабҳаларда эришган ютуқларимиз ўз аксини топган.

Шу кунларда ҳар бир меҳнат жамоасида байрам шукҳи ҳукм сурмоқда. Буни бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишидаги турфа олам безаклардан ҳам сезиш мумкин. Хуллас, тайёргарлик жараёни давом этмоқда. 20 август кунини эса пойтахтимизда энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига тайёргарлик ҳозирлангани эълон қилинади.

Бу ҳақда кунини кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда маълум қилинди. Унда ҳар бир туман ҳокимининг жойларда қилинаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Йиғилишда шахримизнинг байрамона безатилишига урғу берилиши билан бирга, турар жой мавзеларининг ободонлаштирилиши ва санитар тозаллигини таъминлаш, Мустақиллик кунини олдидан фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектларда кетаётган қурилиш ва реконструкция жараёни ҳақида тўхталиб, шунингдек муаммолар, қисман камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Туман ҳокимликлари, «Маҳалла» жамағатлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, бошқа жамоат ташкилотлари эътибори байрам кунларида хайрия акцияларини кучайтириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, кўп фарзандли oilалар, ёлғизлар, қариялар, ногиронлар, ота-онаси қарамоғисиз қолган ҳамда Мехрибонлик уйларида тарбияланган болаларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатиш лозимлигига қаратилди.

Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасига ҳар бир маданият ва истироҳат бонда, туман марказий майдонларида мазмуни ва шакли жиҳатдан кўп қиррали, бойитилган, профессионал ва хаваскор хонанда ва созандалар иштирокида театрлаштирилган дастурларини уюштириш вазифаси юклатилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, шахримизда 21 та йирик байрам сахналари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, ўзига хос равишда — кўй-қўшиқ, рақс, тўқин-сочин дастурхон, совға-саломлар билан пойтахтимиздаги 474 та маҳаллада ҳам байрам тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Япония Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорларидан. Бу давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий алоқалар изчил ривожланиб келмоқда. Тошкентда Япония маданияти маркази очилди, Тошкент билан Осака ва Токио ўртасида ҳаво кемалари қатнови йўлга қўйилди.

Ижтимоий алоқалар кўлами кенгаймоқда. Ўзбекистондаги қатор таълим ва шифо масканларини замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозлаш учун Япония грантлари берилди. Маданият ва санъат намоёндаларининг гастрол ва кўргазмаларини уюштириш аъёнага айланди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик ҳам кенгаётир. Ўзбекистондаги ўндан ортиқ йирик лойиҳаларда Япония сармоясининг иштироки бор.

Рақамларга мурожаат қилсак, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун Япония томонидан ажратилаётган сармоянинг умумий ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ошади. Шунинг қарийб ярми кадрлар тайёрлаш, энергетика, транспорт инфратузилмаси ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга оид лойиҳаларга мўлжалланган имтиёзли кредитлардир.

Буллар Ўзбекистон ва Япония ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан бирдай манфаатдор эканидан далолатдир.

2002 йилнинг 29 июль кuni Токиода Ўзбекистон билан Япония ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжат давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Истиқлол байрами арафасида ўЗА мухбири Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси жаноб Юичи КУСУМОТО билан суҳбатлашди.

— Мухтарам элчи жаноблари, Ўзбекистонда фаолият бошлаганингизга бир йил бўляпти. Шу вақт ичида юртимиз ҳақида қандай таассуротлар орттирдигиз?

— Япония Ташқи ишлар вазирлигида кўпдан буён фаолият кўрсатаман. Илгари Россияда, Канадада ва Европада мамлакатларида ишлаганман. Юртингизда, аввало, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очиққўнғиллигига гувоҳ бўлдим. Айниқса, ўзбек халқининг Японияга дўстона муносабатини, ўзаро ришталаримизни мустаҳкамлашга интилиши кучли эканини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Ўзбекистонда ишлаётганимдан бағоят мамнунман.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, кўпинча икки халқнинг табиати, маданияти ва қадриятларидаги ўхшаш жиҳатлар ҳам тилга олинади. Сиз бу ўхшашликни нималарда кўрасиз?

— Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам Осиёда жойлашган. Демак, ўз-ўзидан қадриятларимизда уйғунлик бўлиши табиий. Қолаверса, бизни қадимий ришталар боғлаб туради. Юртингиз тарихи билан танишганимда бунга амин бўлдим.

Ҳақиқатан, ўхшаш жиҳатларимиз талайгина. Меҳмондўстлики олайлик. Сизларда меҳмонни ниҳоятда илқ кутиб олишди, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди. Шахсан ўзини бунга кўп гувоҳ бўлдим. Ёки ёши катта одамларга, ота-онага ҳурмат-эҳтиромни мисол сифатида айтишим мумкин. Японияда ҳам шундай. Бизнинг турмуш тарзимизда баҳамжихат, бир ёқадан бош чиқариб иш юритиш, бир-бирини қўллаш, дефат тушунчалар устун туради. Фақат ўзим бўлай, деган қараш йўқ. Биз Европа халқларидан ана шу қадриятларимиз билан фарқ қиламиз.

Умуман, ўхшашлик ва муайян тафовутлардан қатъи назар, халқларимиз бир-бири билан янада яқинроқ танишиб боришини, бир-бири ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўлишини истардим.

— Уч йил муқаддам Токиода Ўзбекистон билан Япония ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Сизнинг назарингизда бугунгача қандай натижаларга эришилди?

— Марказий Осиё стратегик нуқтаи назардан жуда муҳим минтақа ҳисобланади. Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар аввалдан Россия ва Хитой билан ҳамкорлик қилиб келади. Афғонистонда анти-террор операция бошлангач, Фарб

давлатлари ҳам Ўзбекистонга ишончли шерик сифатида қарай бошлади. Ўз навбатида, Япония ҳам Марказий Осиёда муҳим ўрин тутадиган Ўзбекистон билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган манфаатдор. Икки мамлакат стратегик ҳамкорлик тўғрисида ҳуж-

Юичи КУСУМОТО: ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДАН МАНФААТДОРМИЗ

жат қабул қилган экан, демак, муносабатларимиз қамрови оdatдаги дўстона алоқалар доирасидан анча кенгайди. Ўзбекистон - табиий захира-ларга бой мамлакат. Юртингиз иқтисодиётини ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Япония бу жараёнда Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдори.

Менимча, биз барча имкониятлардан тўла фойдалана олмаемиз. Олди-сотди, борди-келдини изчил кучайтириб бормогимиз лозим. Гап бир-икки йиллик эмас, узоқ муддатли ҳамкорлик ҳақида бораёпти. Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатнинг аҳамияти ҳам шунда. Ўзаро фикр алмашишлар, маданий алоқалар, иқтисодий ҳамкорликдан ташқари, менимча, икки томон ҳам замири янада мустаҳкам муносабатлар йўлини топиши керак.

Қолаверса, Япония Шарқий Осиёда муҳим ўрин тутайди. Ҳозир бу минтақа мамлакатларида иқтисодий ўсиш кузатишмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

— Иқтисодий ҳамкорлигимиз яхши ривожланаётганини қайд этмоқчиман. Ўн йилдан буён Япония ҳукумати «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳар йили Японияга ўзбек мутахассислари тақлиф қилинади. Кўплаб ўзбек талабалари грантлар асосида Япония ўқув даргоҳларида таҳсил оляпти. Табиийки, улар Япония тажрибасини ўрганиб қайтади ва бу ерда амалиётга татбиқ этади. Японияга, айниқса, ўзбек ёшларининг қизиқиши кучайиб бораётгани бизни қувонтиради.

Лекин эришилган даража билан чекланмаслигимиз керак. Айниқса, ўзаро ахборот алмашувини яхши

йўлга қўймоқ лозим. Афсуски, Японияда Ўзбекистонни керакли даражада билишмайди. Япон халқининг аксарияти Ўзбекистон қандай давлат, ўзбеклар қандай халқ экани ҳақида тўла тасаввурга эга эмас. Уларга Ўзбекистонни кенгроқ ва фаолроқ таништириш зарур. Япониядан ёшларни, сайёҳларни, журналист ва ишбилармонларни Ўзбекистонга жалб этмоқ керак. Дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларингиз бор. Сайёҳларни қабул қилиш учун замонавий меҳмонхоналар барпо этилган. Айнан ўша сайёҳлар, ўша журналист ва ишбилармонлар Ўзбекистонни Японияга таништиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбек ёшларининг япон тилини ўрганишга қизиқиши ортиб бораёпти. Бу - қувонарли ҳол. Чунки тил ўзга халқнинг маданияти, турмуш тарзига кириб боришига йўл очади. Тошкентда Япония маданияти маркази ишлаб турибди. У ерда тил ўрганиш, Япония ҳақида маълумот олиш мумкин.

— Яқинда Президент Ислом Каримовнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Айтиш жоизки, бу ҳужжат мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутайди. Жуда кўп соҳаларда, айниқса, иқтисодиёт борасида Япония дунё мамлакатлари орасида анча илгор экани маълум. Кунчиқар мамлакатда тадбиркорлар қандай тизим асосида фаолият юргизади?

— Аввало, юртингиздаги тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсам, чиндан ҳам айрим қийинчиликлар мавжуд экан. Тошкентда иш юритаётган япон ишбилармонлари солиқ ва боғжона билан боғлиқ жараёнлар бирмунча қийин ва узоқ давом этишини, бу ҳол ишга ҳалақит бераётганини айтишарди. Менимча, бу қийинчиликлар энди орта қолади. Президент Ислом Каримовнинг Фармони соҳадаги тўсиқ ва муаммоларга барҳам беради, деб ўйлайман.

Японияда ишбилармонлар анча эркин. Фирма ва компаниялар қаерга пул қўйиши, қаерга сармоя киришини ўзи хал қилади. Тўғри, бизда ҳам солиқ ва боғжона назоратидан ўтишди. Лекин ҳукумат ишбилармонларга имкон қадар қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилади.

— Япония элчихонаси маданият, санъат соҳасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга қатта ҳисса қўшиб келяпти. Тошкентда Япония маданияти кунларини ўтказиш аъёнага айланган. Келгусида яна қандай маданий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган?

— Албатта, маданий тадбирлар ўтказиш элчихона учун жуда муҳим. Бу йил биз асосан музикаий дастур тайёрламоқчимиз. Сентябрда Япониядан барабанчиларни тақлиф этиш режамиз бор. Япон барабанчиларининг санъати ўзбек халқига қатта қизиқиш уйғотади, деган умиддаман.

— Истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон халқига қандай тилақларингиз бор?

— Ўзбекистоннинг қадим ва жуда бой тарихи, маданияти, урф-одатлари бор. Лекин у мустақил давлат сифатида энди ривожланиб бораёпти. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги интилишларини Япония доим қўллаб-қувватлайди. Мен давлатларимиз ўртасидаги муносабатларини бундан кейин ҳам юксалиб боришига ишонаман. Ва шундай қутлуг байрам арафасида ўзбек халқига ҳамisha соғлиқ-омонлик ва улкан муваффақиятлар тиламан.

ЎЗА мухбири
Файрат САЙДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди

Санъат

ИСТЕЪДОДИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА

Клипмейкер. Бу ибора муомаламизга кино санъати тасвири янгилиги сифатида кириб келди. Эндиликда телевидение орқали кўшиқчи санъаткорлар ижодига бағишланган клиплар тез-тез намоиш қилинмоқда.

Бор-йўғи 2-3 дақиқали бундай киска, аммо жозибали кинолаҳзалар клипмейкерларидан бири саналган Ёдгор Носиров ҳам ўз маҳоратини намоён этмоқда. Унинг кейинги йилларда яратган клиплари «Тарона—2005» Республика танловида яхши баҳоланди. Мукофот соҳиби бўлган бу истеъдодли ёш санъаткор «Боҳлар», Шоҳрух, «Афрўз» гуруҳлари тароналарига ҳам клиплар яратди.

МУСИҚА ТАЪЛИМИДАН ДАРСЛИК

Янги ўқув йилига яхши совға янглиғ қатор дарслик ва қўлланмалар чоп этилмоқда. Умумтаълим мактабларидан музика таълимидан бериладиган сабоқларга доир ўқув қўлланма ҳам нашр этилди.

Машғулотлар рус тилида олиб борилаётган мактабларнинг иккинчи синфи учун махсус ёзилган бу дарслик таълим андозалари талабларига жавоб берадиган даражада яратилгани билан ҳам эътиборлидир.

Янги дарслик пойтахтимиздаги 279-музика мактаби тажрибали педагоги Сожида Дебердееванинг кўп йиллик кузатишлари асосида юзага келди.

НАВБАТДАГИ ИЖОДИЙ МУВАФФАҚИЯТ

Республикамиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган «Аладдин» театри репертуари яна бир спектакль билан бойиди. Таниқли драматург Франсуа Вебернинг «Телбаларча овқатланиш» деб номланган бу постановка Михаил Каменский постановка қилган мазкур кувноқ спектакль актёрларнинг навбатдаги энг яхши ишларидан бири деб баҳоланди.

Ушбу асар гастрол дастурига ҳам киритилди.

Акбар АЛИЕВ

Ватан ичра кичик бир Ватан бўлими маҳалла халқ кадриятларининг кўзгусидир. У кишиларни иймон-этиқодли, меҳр-оқибатли, дўсту биродар, бир сўз билан айтганда, чин инсон қилиб тарбиялашда муносиб ҳисса қўшиб келган. Маҳалла қадим-қадимдан шарқона яшаш, урф-одатлар, анъаналар, халқ урфлари тўла акс этган пурхикмат жой бўлиб ҳисобланган. Ҳар бир маросимда, тўю маъракалар бошида маҳалланинг қайнони оқсоқоллари, энг нуфузли кишилар турган. Маҳалла орзу-умидли, оқибатли, сабр-қаноатли одамларни яхши қўшничиликда ва қуд-андачиликда яшашга ундаб келган. Маҳалла яхшини бағрига олиб элга танитадиган, ёмонни тарбиялаб тўғри йўлга соладиган гўшадир!

Мустақиллик маҳалла тизимининг янгидан-янги қирралари, имкониятларининг очилиб, янада ривожланишига ҳаётбахш туртки бўлди, десак адашмаймиз. Утган йиллар давомида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида қонунлар қабул қилинди, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда унинг ўрни ва мақоми ҳам тобора ошиб бормоқда. Маҳаллалар ҳокимиятнинг энг ишончли бўғини сифатида тан олинди, ўзини-ўзи бошқариш тизимининг ижтимоий, сийёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифаларни ҳал этишдаги роли ҳам кескин ошди. Бугун маҳалла бажарётган вазифалар кўлами эса фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Биз шахримиз маҳаллаларида фаолликни ошириш, миллий кадрият ва анъаналар, ўзаро меҳр-оқибат, ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортни ривожлантириш борасида қандай ишлар олиб борилаётгани билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Баҳодир ҚОСИМОВ билан суҳбатда бўлдик.

— Жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили деб номланганининг ўзи шахримиз маҳаллаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш, спорт турларини оммавийлаштириш, жисмон соғлом авлодни тарбиялаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш ишларини янада ривожлантиришга тақозо этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республика-

ҳаракати чекланган, ётиб қолган болаларга 2 миллион сўмлик совғалар тарқатилди. Маҳалла ёшларининг ёзги таътил даврида мароқли дам олишлари учун кам таъминланган oilа фарзандлари учун 53 миллион сўмлик маблағ Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмасига ўтказиб берилди.

Бир сўз билан айтганда, шахримиздаги барча маҳаллалардаги кам таъминланган, ёлғиз истиқомат қиладиган, кекса фуқаролар, ногирон-



Мағбурлар

БОЛАЖОНЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Бутун ёз ойи давомида «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ва вояга етмаганларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишлариغا кўмаклашиш, улар қалбида маданият ва санъатга қизиқиш, миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш мақсадида «Ёни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири «Тиббиёт патронаж» ишчи гуруҳи ҳамкорлигида ташкиллаштирилиб, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини таътиб этиш, кўнгилсиз қилатлар содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кўникам хосил қилиш, ёз мавсумида аҳоли ўртасида тарқалиши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари билан таништириш каби мақсадларни кўзлаб ўтказилди.

Шунингдек Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат маданият институтларининг иқтидорли талабалари иштироки-

даги маданий-маърифий тадбирлар, «Тил ўрганиш» курслари негизидаги қизиқарли машғулотлар, спортнинг шашка, бадминтон, қўл тўпи, аркан тортиш, шахмат-шашка ва футбол каби турларини қамраб олган «Кўмак спорт» ўйинлари барча қатнашчиларга маълум бўлмоқда.

Тадбирларда фаол қатнашган ёшлар «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлимининг эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлари билан муқофотланмоқда.

Ширмонои АСРАНОВА СУРАТЛАРДА: маҳаллаларда бўлиб ўтаётган спорт мусобақаларидан лавҳалар.

ШОДИЁНА ДАВОМ ЭТАДИ

Истиқлол йилларида маҳалла тизимининг миллий кадрият сифатида янада ривожланиши, янги қирраларининг очилиши умуммиллий менталитетимизга мос ҳодиса сифатида эътироф этилди. Айни кунларда эса пойтхатимизнинг бир қатор туманларида анъанавий — «Маҳалла кўни» тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Сергели туманининг «Файзли» маҳалла гузарига бўлиб ўтган байрам шодиёнасида 33 та маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, тизим фидойилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож oilа вакиллари иштирок этишди. Ўзбеккона дастурхон ёзилиб, бир пилёла чой баҳонасида маҳаллаларнинг ҳолидан хабар олинди.

Тадбирда сўзга чиққан Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Баҳодир Қосимов, Сергели туман ҳокими ўринбосари Маҳаммадин Эргашевлар юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани хусусида, маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор, меҳр-саховат тадбирлари тўғрисида атрафлича тўхтадилар.

Учрашувнинг яқунловчи қисмида мутасадди ташкилот ва ҳокимиятнинг фаоллари аталган совғаларга топириди.

Худди шундай тадбир Миробод туманида ҳам бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, мазкур туманда жорий йилнинг биринчи чорағиде ижтимоий-маънавий соҳаларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қурбон ҳайити байрамида маҳаллаларнинг кам таъминланган oilаларига ҳимойлар томонидан 2 миллион 244 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатиш бўлса, туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан 250 минг сўмлик кўмак кўрсатилди. Наврўз байрамида 600 минг, Хотира ва Қадрлаш кўнида 10 миллион сўмлик маблағ аҳоли ижтимоий муҳофазасига сарф этилди.

Энди бевосита тадбир тафсилотларига қайтадиган бўлсак уни Миробод туман ҳокимининг ҳимоя қилишга қаратилгани хусусида, маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор, меҳр-саховат тадбирлари тўғрисида атрафлича тўхтадилар.

Учрашувнинг яқунловчи қисмида мутасадди ташкилот ва ҳокимиятнинг фаоллари аталган совғаларга топириди.

ларида истиқомат қилувчи ёшлар кекса кўнглига илиқлик, ўзаро меҳр ва муҳаббат улашди.

Анъанага кўра мазкур туманда ҳам фаоллиги ва фидойилиги боис, тақдирланишга муносиб бўлган тизим ходимлари рағбатлантирилди.

Чунончи, «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови ғолиби сифатида «Толариқ» маҳалла фуқаролар йиғини, «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танлови бўйича «Темирўлчилар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳаммад Абитов, «Энг намунали маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раисаси» кўрик-танлови бўйича «Байналимилал» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раисаси Гулнора Очилов, «Энг фидойи маҳалла посбони» деб «Истиқлол» маҳалласи посбони Муҳаммадҷон Қўқоров, «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловида Фарқат маҳалласи маслаҳатчиси Маъмура Иноятводаларга қимматбахо совғалар топириди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Болалар спорти

«ЁЗГИ ТАЪТИЛ — 2005»

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш, бўш вақтларни тўғри ташкил этишлариغا кўмаклашиш, жисмоний тарбия, спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Ёзги таътил — 2005» спорт мусобақалари ниҳоятда етмоқда.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда спортнинг баскетбол, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, каратэ, қўл тўпи, сузиш, футбол, эркин кураш, дзюдо, стол тенниси, шахмат-шашка ва бокс каби қатор турлари бўйича гоғат қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтмоқда, — дейди Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси, доимий фаолият юритув штаби бошлиғи Маҳаммадмурод Таштемиров. — Уч босқичда ўтказилиши режалаштирилган ушбу мусобақаларни ўтказишга ва жамоаларни тайёрлашга маҳалла кўмиталари ва ўқув муассасалари директорлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ёзги таътилни ота-оналари бағрида ўтказиётган болаларнинг ушбу чинчиқш тадбирига қамраб олишга катта эътибор қаратилган.

Шуни айтиб ўтиш керакики шу кунгача Чилонзор туманида ушбу спорт мусобақасининг туман босқичи яқунланди. Унда мингдан ортиқ ўқувчи-қизлар иштирок этиб ўз иқтидор ва қизиқишларини намойён этдилар. Айниқса баскетбол бўйича 182-мактаб ўқувчиларининг, волейбол бахсларида эса 164-мактаб ўқувчиларининг, шахмат-шашка мусобақаларида 178-мактаб, стол теннис бўйича эса 163-мактаб жамоасининг қўли банд келиб ғолиблар қаторидан ўрин олдилар.

Жамғарма томонидан маҳаллаларда ўтказилиб келинаётган спорт мусобақалари фақат шу билан чекланиб қолмай, жойларда етакчи спортчилар билан учрашувлар, давра суҳбатларини ташкиллаштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, таниқли футбол юлдузи Миржалол Қосимов, волейболчи Олимпиада чемпиони Вера Дуконова, «Пахтакор» футбол жамоаси ҳамда «Умид ниҳол-

лари» мусобақалари ғолиблари билан бўлиб ўтган учрашувлар барчада яхши таассурот қолдириди.

Ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва рухан татик қилиб тарбиялаш мақсадида ўтказилиб келаётган барча мусобақа ва тадбирлар Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, келажак ёшлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга ҳар биримиз ўзининг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак. Бу йўлдаги ҳар бир хайрли қадам эртага ўзининг ижобий самарасини беради.

Азиза МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтаётган мусобақалардан лавҳалар.



ХАЛҚ ҚАДРИЯТЛАРИ КЎЗГУСИ

си Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар ҳокимининг «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳам ўзининг қарори ва ҳудудий дастурини ишлаб чиқди ва шу асосда фаолият кўрсатиб келмоқда, — деб сўз бошлади Баҳодир Қосимов. — Шахримиздаги 452 та маҳаллада халқнинг тарихий-маданий мероси, миллий анъаналар, ноёб кадриятларни асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин. Шунингдек, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кекса, нуруний, пиру бадавлат отахон-онахонларни эъзозлаб, уларнинг бой ҳаётий тажрибалари, панду насихатларидан ўсиб келаётган ёшларни тарбиялашда, саломатлик қадрини, фаол, узок умр кўришга эришиш сирларидан баҳраманд қилишда фойдаланиб келинмоқда.

Хозирда ёш авлоднинг ғиёвандлик ва бошқа салбий иллатлардан муҳофиза қилиш, маънавий-маърифий ишлар, спортга бўлган муносабатни шакллантириш, маҳаллаларда oilавий спортни жонлантириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида жойларда турли спорт мусобақалари, кўрик-танлов ва қизиқарли учрашувлар ташкил этилмоқда. Спортнинг шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, яккакураш турлари, стол тенниси, эстафета ўйинлари бўйича ўтказилиб келинаётган мусобақалар шулар жумласидандир. «Соғлом oilа», «Футболчимиз келажак», «Маҳалламиз пахлавоилари», шахмат-шашка, учкураш каби кўрик-танлов ва спорт мусобақалари аллақачон ўз муҳлисларига эга ва йилдан-йилга оммаланиб бормоқда. Хозирги кунда шахримиз маҳаллаларида 3500 нафар спортчил oilалар аниқланган бўлиб, улар ўртасида турли йўналишларда мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Яқинда «Энг спортчи ва соғлом oilа» кўриктанловининг шаҳар босқичи Собир Раҳимов туманининг «Истиқлол» ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Шахримиз маҳаллаларидаги ижтимоий муҳофазатга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Мустақиллик, Наврўз, Қурбон ва Рамазон ҳайити, Хотира ва Қадрлаш кўни каби қутлуг кунларда моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда. Масалан, Қурбон ҳайитида шаҳар «Маҳалла» жамғармаси томонидан кексаларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, Учтепа туманидаги 39 нафар ёлғизларга 350000 сўмлик, 801 нафар ногиронга 4.100.000 сўмлик, Миробод туманидаги 101 та кам таъминланган, ногирон, яқка-ёлғизларга 505000 сўмлик, Ҳамза туманида эса 570000 минг сўмлик меҳр-муруват ёрдами кўрсатилди. Туман бўлимлари, хомийлар томонидан 21.716 нафар фуқароларга 85.613.950 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, маҳалла томонидан 300 нафар

лар, боқувчисидан ажралганларга доимий равишда моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда. Шахримиздаги мавҳуд 6 та Меҳрибонлик уйи, 11 та махсус мактаб-интернат, 2 та муруват уйи ва 1 та болалар уйларида ҳудудларда жойлашган маҳалла фуқаролари йиғинлари ва хомийлар томонидан меҳр-саховат, беминнат ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 2004 йил 25 майдаги Фармони ва 299- қарори ижроси йўлида шахримиз маҳаллаларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимларида маҳаллада бўлиб, фаол, амалий иш тажрибасига эга бўлган хотин-қизлар тайинланди. Хозирги кунга келиб 452 та маҳалланинг 442 тасида маслаҳатчилар сайланган бўлиб, шулардан 310 нафари олий, 84 таси ўрта махсус, 44 таси ўрта ва 4 тасини махсус диний билимга эга бўлганлар ташкил этмоқда. Маслаҳатчиларнинг ишини яхшилаш, уларнинг билим савияларини ошириш мақсадида ҳар бир туманда сешанба, шанба кўчалари семинар ва учрашувлар ўтказилмоқда. Жамғарма ташаббуси билан Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда 22 қилдан иборат мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Кенгаш ҳар ойда йиғилиб, тажриба алмашиш мақсадида маслаҳатчилар фаолияти бўйича давра суҳбатларини ўтказиб келмоқда.

Бундан ташқари шаҳар ҳокимининг 2005 йил 25 февралдаги «2005-2007 йилларда аёлларни иш билан таъминлашнинг асосий йўналиши ва кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарори ижроси йўлида ҳам бирмунча ишларга қўл урилди. Яъни 4 та йўналишда жадвал ишлаб чиқилиб, шунга асосан маҳаллаларда иш ўринлари яратиш ва ишсиз аҳолини аниқлаш бўйича фаолият олиб боришмоқда. Биз ўз фаолиятимизни албатта давлат солиқ кўмитаси Солиқ академияси, Ички ишлар бош бошқармаси, Хуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши каби қатор ташкилотлар билан биргаликда олиб бормоқдамиз. Мақсадимиз ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидаги изчил ислохотларга муносиб ҳисса қўшиш, маҳаллаларнинг гуллаб-яшнаши, том маънода таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, ҳамқору ҳамфикр, дўсту биродарлик масканига айлланишига эришиш.

Мана, тобора яқинлашаётган қутлуг кун — азиз ва улуг Мустақиллик байрамининг 14 йиллигини нишонлаш арафасида турган эканмиз ҳар бир ҳамшахримизнинг соғ-омон, зим-мадаги бурч ва масъулиятни чуқур англаган ҳолда байрамни ёрғуз юз билан қўтиб олишларини талаб қоламан.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Заҳматқашларимиз

ЮРАГИДА МЕҲР-МУҲАББАТ БОР

Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг гайрат-шижоати, серҳаракатлиги, элу юрт хизматига беминнат қамарбасталигини қўриб ҳайратинг ошадди, ҳавас қиласан. Яна шу ўринда элим, юртим деган, юрагиде ўти бор одамгина бир умр ёниб, ташаббус кўрсатиб ишлашига, каттаю кичикка, айниқса ёшларга ибрат, намуна бўлишига ишонч ҳосил қиласан.

Бугун биз қаламга олмоқчи бўлаётган қаҳрамонимизни ҳам юқорида санаб ўтилган барча ижобий хислатлар соҳибаси десак асло янглишмаган бўламиз. Истараси иссиқ, юз кўзларида меҳр, самимият балқиб турган, айни кунларда Шайхонтоҳур туманидаги «Янги-обод» маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият юритаётган Манзура Валиева билан суҳбатлашиб қолсангиз, бу аёлнинг ўз ишига қанчалик масъулият билан ёндошишига, одамлар билан тез тил топишишига, муаммо ва камчиликлар ечимига ақл-фаросат билан ёндошишига гувоҳ бўласиз.

— Ўтаётган умр, физиллаб кетаётган йиллар давомида биз истаимизми, йўқми вақти келганда орта бир назар ташлашга тўғри келадми, — дейди Манзура опа. — Шунда бир лаҳзагина ўйга толасан. Бу дунёга ким бўлиб келдимки, ким бўлиб кетяпман, ўзимдан бирон ёрғуз из, беминнат яхшилик, савобли юмушлар, солиҳа фарзандлар қолдиришга ҳаракат қилдимми?

Шундай саволлар қаршисида мулзам бўлиб қолмаганимдан, умр бўйи давлат қорхоналарида ишлаб, шу билан бирга жамоат ишларида фаол бўлганимдан, ибратли oilам, юрт хизматига бел болаган фарзандларим борлигини ниҳоятда тўлқинлини кетаман. Қасбим — шифокор, ақшёр-гинеколог. Аёлларнинг сихат-саломатлиги, соғлом фарзанд қуриши ва тарбиялаш, жамиятда фаоллик кўрсатиши йўлида меҳнат қилдим, қанчадан қанча аёлларга оналик бахтини ато этдим. Шу билан бирга ўзим истиқомат қиладиган «Янги-

обод» маҳалласида жамоат ишларида фаол бўлдим. Хотин-қизлар комиссияси раисаси Инобат Турсунова билан ҳамкорликда «Мерос» театрини ташкил этиб, маҳалла ёшларини жалб қилдим. Ҳаваскор ёшлар иштирокида ўзбек Миллий академик драма театрида қўйилган «Захарли томчи» асарини томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

2001 йилдан маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси вазифасида фаолият юритган Манзура опа маҳалладаги тартиб-интизом, тинчликнинг сақланиши, вояга етмаган ўсмирларнинг турли ноқонуний гоғлар таъсирига тушиб қолмаслиғи каби қатор хайрли масалалар йўлида самарали иш олиб борди. Тажрибасини ошириш учун ўқиди, изланди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонида қайд этилганидек, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимчи жорий этилиб, унга ҳаётий тажрибига эга, билимли, маҳалланинг жонқуяри бўлган аёллар тайинланди. «Янгиобод» маҳалласи фуқаролар йиғини ва аҳоли томонидан Манзура Валиева 2004 йил 14 октябрдан бошлаб ушбу лавозимга бир овоздан сайланди.

— Албатта, ҳар бир ишининг ўзига яраша қийинчилиги ва енгил томонлари бўлади, — дейди Манзура опа. — Маҳалладошларим юксак ишонч билдириб бу ишга мени муносиб қўришган экан, бор билимим ва маҳоратимни кўрсатиб ишлашга ҳаракат қилаяман.

Ҳар бир oilага кириб бориш, муаммо ва камчиликларни қўпайтирмай жойида хал этиш, айниқса аёллар, вояга етмаган ёшлар билан фойдаланиш мулоқотлар олиб бориш ишларининг яхши томонга ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу борада бизга ҳудуддаги 14-oilавий поликлиника, туман хотин-қизлар кўмитаси, 1-перинатал марказ, СПИД маркази шифокорлари яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Менимча шу юрт фарзандиман деган ҳар бир одамнинг юрагиде бир эзгу ҳис бўлиши лозим. Яъни келажак, эртаимиз ёшлар қўлида экан, уларга ёшлиқдан, туртилгандан бошлаб тўғри тарбия беришни йўлга қўйиш ва бу эзгу мақсадга баҳоли қудрат ҳисса қўйиш лозим.

Келгусидаги режалар ҳақида тўхталадиган бўлсам, зиммамиздаги юксак, масъулиятли вазифани адо этиб, яқинлашиб келаётган улғу ва азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини муносиб қўтиб олиш, тинчлик-осудаликнинг сақланишига ҳисса қўшишдир.

Шахризода МУҲСИМОВА СУРАТДА: «Янгиобод», «Зангиота» ва «Каттабоғ» маҳаллалари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари (чапдан-ўнғга) Манзура Валиева, Мамамуҳаммад Рихсиёжаева ва Хуррият Мирсолиҳовалар келгуси режалар, бажарилиши лозим бўлган юмушлар ҳақида ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Ҳажимқон Солиҳов олган сурат.

ҚОНУН КИТОБ ШАКЛИДА ТАРҚАТИЛДИ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда Республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси томонидан "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун китобча шаклида чоп этилди. Ушбу китобчалар Халқ таълими вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда бир қатор ташкилотларга бепул тарқатилди.

Бугунги кунда аҳоли ўртасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламада тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур китобча истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ҳолисона тушунириш олиб боришда яхши самара беради.

Илгари мактабларда, олий ўқув юрларида қолаверса, аҳоли ўртасида бу

борада тарғибот ишлари олиб борилмаганлиги туфайли истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини талаб қилишлари бироз суст кечмоқда. Агар мактабларда бола-га бу ҳақда пухта маълумот берилса, булар бола хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади, — дейди тадбир ташкилотчилари.

Тадбирда таъкидланишича бугунги кунда мамлакатимизда истеъмолчилар

ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган 170 га яқин қонун ва қонун ости ҳужжатлари мавжуд, аммо аҳолининг кўпчилиги қисми ундан беҳабар. Ана шундай вазиятга барҳам бериш мақсадида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг жойлардаги бирлашмалари томонидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига қаратилган семинарлар мунтазам равишда ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, федерация томонидан ариза ва шикоятлар билан мурожаат этган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун биргина коммунал соҳа бўйича 500 миллион сўм маблағ истеъмолчиларнинг фойдасига ҳал этиб берилди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

Шарқ дурдоналари

Озгиз ўлганлиб Домо бўлур...

Байт:

Оқиллар наздида сукут
сақлаш одобдур,
Лек савол ташлаганда
сўз демок иқобатдир.

● Парҳезгарда уч фазилат бор: ёмонлар билан бирга ўтиришдан сақланади, ғийбат ва ёлғондан узоқ юради, ўзи шубҳаланган нарсаларни ҳаром ҳисоблаб шубҳаси тарқалмагунча уларга яқинлашмайди.

● Бағритошда уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди, озга қониқмайди, ҳар қанча насиҳат берсалар қабул қилмайди.

● Вафолик кимсада уч фазилат бор: ибодат, садақа ва (ўзгалар) гуноҳини яширади — шуларнинг ўзи унинг сидқи-диллигидан нишонадир.

● Фосиқда уч аломат бор: бузуқликни севади, ўзгаларга зийн-заҳмат еткази, ҳақ йўлдан юрмайди.

Байт:

Озгизга келгани демак
нодоннинг иши,
Олдига келгани емак
хайвоннинг иши.

● Ҳаё, ифбат — йўқолмас хусн.

● Абу Али ибн Сино айтди:

— Инсонда доим турадиган хусн ва латофат — ҳаё ила ифбатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад қабулдур.

● Суқрот ҳажим дейди:
— Хотинларнинг энг гуза-ли ҳаё ва ифбат пардасига ўралганларидир.

● Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зийсига муҳтождир. Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби — ҳаёдир.

● Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг ифбат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборақдирким, анча-мунча шундай хатоларни беркитиб йўқ қилур.

Байт:

Дурга садаф бўлмаса
парда-ю либос,
Қатра сувга қўшилиб
кетарди ҳалос.

● Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошиқ машуқага яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

● Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзинга ортиқ оро берма, мақтанма ва ўзингни бирровдан ортиқ санамо!

● Дўстлар яшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида турар ва қарам ашигини улар юзига очиб кўяр, тилақларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

● Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушўйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосиқдан қочар.

● Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

Икки лаб бир бўлса,
ҳаттоки нафас,
Улар орасидан осон
ўтолмас.

Кўздек бир-биринга
бўлма тескари,
Лаблардек
иттифоқ бўлгил
аксари.

Болалар адабийоти бурғачи

БОБУР ВА НОВВОЙ

Болалар, нон азиз неъмат. Мўтабар кишилар фотиҳага қўл очиб, нондай азиз, сувдай сероб бўлинглар деб дуо қилганлар. Ўтган замонларда яшаб ўтган бувиларимиз, оналаримиз тўю томошаларга борар эканлар, нонларни саватга солиб бошларига қўйиб борганлар. Хоразмий, Имом Бухорий, Беруний, Форобий, Соҳибқирон Амир Темур, Улғубек, Навоий каби буюк аждодларимиз ҳам нонни хўп эъзозлаганлар, мабодо ушоғи ерда ётган бўлса уни олиб кўзларига суртганлар... Чунки улар, нон ҳам нон, ноннинг ушоғи ҳам нон деган ҳикматга амал қилиб яшаганлар.

Болалар, сиз баҳор шабадасида майин чайқалиб, тўққилланиб, хушбўй ис таратиб турган буғдойзорларни кўрганми-сиз? Кўрмаган бўлсангиз кўринг. Сизу биз ҳар куни ейдиган иссиқ, хушбўй нонлар ана шу буғдойзорларда битида. Нон деб аталмиш бу илоҳий неъмат ғаллакор деҳқонларнинг меҳри, меҳнати ва тадбиркорлиги туфайли етиштирилади. Шунинг учун унинг ушоғини ҳам увол қилмоқ гуноҳ ҳисобланади.

Шоҳ, шоир, тарихчи буюк бобокалонимиз Бобур ҳам нонни гоят эъзозлаган, айниқса, иссиқ ноннинг хушбўйини жуда яхши кўрган, уни дунёдаги энг лазиз, энг хушбўй неъмат деб атаган. Мен сизларга бағишлаб ёзган "Бобур ва новвой" деган шеърый латифада ҳам Бобурнинг нонни нечоғлик эъзозлагани кўриниб турибди.

МУАЛЛИФ

Кун эди айни чошгоҳ,
Фармон берди Бобуришох:
— Барча саройе келсин,
Мисоли оху елсин!

Ҳамма фозил, донолар,
Сўзлари пурмағнолар.
Келдилар тўп-тўп бўлиб,
Каму кўп-кўп бўлиб,
Саройега тўди одам,
Жамоат ҳам бўлди жам.
Тилларидан томиб бол,
Барчаси тилаб иқбол,
Гап бошлади Бобуришох,
Сўзи ширин эди оҳ.

— Бераман битта савол,
Бўлмайин паршонҳол.
Тўғри жавоб беринглар,
Чуққур ўйлаб кўринглар.
Ким берса тўғри жавоб,
Тилло бераман бир қоп.
"Ненинг ҳиди яхшидир,
Ўзи дала нақшидир?"
Ҳамма ўйлаиб қолди,
Оғир ҳаёлга толди.

— Шоҳим, беринг ижозат,
Кўп ўйлашга не ҳождат,
Деб шоир сўз бошлади,
Кулиб назар ташлади.
— Эсса майини шаббода,
Бўй таратиб ҳавода,
Гуллар атр сочади,
Бахри-дилнинг очади.
Гулнинг йўқдир қиймати,
Гулдир дала зийнати.

Шоҳдан чиқмади садо,
Бу — нотўғри деган маъно.

Туриб бир муллано,
Таъзим айлади бажо.
— Райҳон жаннатдан чиққан,
Уни малоийк эккан.
Ошрайҳонга не етсин,
Гул унга таъзим этсин.
Бўй таратса оламга,
Хузур беруру одамга.
Ҳар ҳовлида ундириб,
Шоҳларини синдириб,
Чаккамизга тақамиз,
Кувонч билан боқамиз.
Кертиб ошга солинса,
Тўйиб ҳидлаб олинса,
Бош оғригин даф этар,

Райҳонга нима етар.

Шоҳдан чиқмади садо,
Бу — нотўғри деган маъно.

Ҳаммага бир-бир қараб,
Ўзини доно санаб,
Гап бошлапти бир киши,
Хуштак чаларкан тиши.
— Жийда гуллаган чоғда,
Атр қолармиш доғда.
Гул райҳонга йўл бўлсин,
Бари унга қул бўлсин.
Жийда гулин ҳиди оҳ,
Ким эмас бундан огоҳ,
У дунёга келмапти,
Ҳид нелигин билмапти.

Шоҳдан чиқмади садо,
Бу — нотўғри деган маъно.

Қоматини этиб ғоз,
Касбини айлаб эъзоз.
Сўз бошлади бир ботбон,
Овози экан йўғон.
Богим тўла нашооти,
Олмалар жон роҳати,
Қизилдир тарам-тарам,
Таъми шириндир бирам.
Полизимда ҳандалак,
Отиб ётипти палак.
Ҳай-ҳай атр исидан,
Ўргиллаин тусидан.
Ҳидига йўқдир баҳо,
Ўзи минг дардга даво.

Шоҳдан чиқмади садо,
Бу — нотўғри деган маъно.

Тополмай тўғри жавоб,
Эл бўлди роса хуноб.
Ҳамма айтган фикрлар,
Тилга олган зикрлар.
Шоҳга маъқула бўлмади,
Нозик кўнгли тўлмади.
Шу пайт остонада,
Муҳташам қошонада,
Ботида бир сават нон,
Энида йўл-йўл чопон.
Кириб келди қари чол,
Бобурга боқди хушҳол.
Тилларидан томиб бол,
Гап бошлади новвой чол.

"Ненинг ҳиди яхшидир —
Ўзи дала нақшидир?"
Дебон савол ташладинг,
Яхши ишни бошладинг.
Шоҳим ёруғ дунёда,
Ноннинг исси зийёда.
Буғдой дала зийнати,
Унинг кўндир ҳикмати.
Ҳар неъматдан нон азиз,
Бурдаси жондек лазиз.
Шу босдан мен нонни,
Нон дема ширин жонни.
Бошга қўйиб юраман,
Шундан завқ-шафқ сураман.
Бобур очилиб кетди,
Шодон ёнди кўзлари,
Лабларидан сўзлари,
Дурдек сочилиб кетди.

— Бобо сенга тасанно,
Экансан жуда доно.
Зукколинг тап олдим,
Зехнинга қойил қолдим.
Олинг бир қоп тиллони,
Дуо айланг ошнони.
Чол дуога қўл очди,
Тиллари инжу сочди.
— Тупроқ олсанг дон бўлсин,
Донинг ширин нон бўлсин.

Ҳар мушкулга топ илож,
Тоғжу тахтингга ривож.
Эл ғамини еб яша,
Халойиқ десин яша!
Бу тиллони олмайман,
Ҳатто назар солмайман.
Шоҳим келмасин малол,
Меҳнатнинг нони ҳалол.

Менга бир қоп гавҳардан,
Сен берган симу зардан,
Меҳнатнинг нони яхши,
Меҳнатдир ҳаёт нақши,
Қойил қолиб нақлига,
Офарини деб ақлига.
Шоҳ чолага илхос қўйди,
Эъзозлаб уни сўйди.
Устоздек кўриб гўё,
Сийлади бериб сарпо.
Илхос-ла қўл узатди,
Таъзим этиб кузатди.

Туроб АКБАРХҲУЖАЕВ

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон ва 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарорларига мувофиқ, қуйидаги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг давлат активларини ва паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объектлари РЎЙХАТИ							2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активлари РЎЙХАТИ								
№	Объект номи	Манзили	Бепул бериш тартиби бўйича (мулкий мажмуа сифатида, тўлиқликча ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгалаб турган ер майдонлари таркибининг ўзгартришнинг махбул режаси асосида)	Танлов шартлари		Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)	№	Корхона номи	Манзили	Нисол жамғармасиздаги давлат акти, %		Таъсис шартлари			
				Фаолият тури бўйича (сақлаб қолин ёки сақламаслик)	Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм) *					Жили	Шу жумладан давлат улуши	Бепул бериш тартиби бўйича (мулкий мажмуа сифатида тўлиқликча ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгалаб турган ер майдонлари таркибининг ўзгартришнинг махбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолин ёки сақламаслик шарти бўлган)*	Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳадми** (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7	1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли, 33-сон ётоқхона биноси	Сергели тумани, «Қурувчи» даҳаси	Мулкий мажмуа сифатида тўлиқликча	Фаолият турини сақламаган ҳолда	300,0	2									
2	«Саноатқурлиши индустрия» ОАЖ балансидаги қурилиш тусида бўлмаган «Монолит-ий-ий қурилиш базаси»	Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди (КПД-5 ёнида)	Мулкий мажмуа сифатида тўлиқликча (ишлаб чиқариш корхонаси) металл қолонини ва фермалардан танқари	Фаолият турини сақламаган ҳолда	60,0	1	«FAZO VIDEO» МЧЖ (сўбта) «Ўзбекистон Республикаси Республикаси Республикаси ОАЖ	Чиланзор тумани, Чиланзор кўчаси, 2/А-уй	03,10	93,10	Давлат активларини сопиш	Фаолият турини сақлаб қолин	5	03 (6 ой)	

Изоҳ: * — Ушбу инвестиция миқдори, инвестор томонидан ўзининг тақлифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартрилиши мумкин.

Изоҳ: * — Фаолият турини ўзгартриш масаласи жамият акционерлари (таъсисчилари) қарорига кўра қабул қилинади.
** Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг тақлифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартрилиши мумкин.

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ САНАСИ: 2005 ЙИЛ 30 АВГУСТ, 18 ОКТЯБРЬ, 1,15 ВА 29 НОЯБРЬ ҲАМДА 13 ВА 27 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

Танлов савдолари соат 11.00 да Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни ҳоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгаллигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хати).
 2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг ҳулосаси.
 3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).
- Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион тақлифлар танлов савдоси кунидан

УЧ КҮН аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй. Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН ҚУЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

2005 йил 20 сентябрда қуйидаги автотранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:

1. «Даймлер Бенц» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 О 10-16, бошланғич нархи 5.300.000 сўм, техник носоз;
2. «Одаз-9357» ярим тиркама, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 32-80 ТН, бошланғич нархи 420.520 сўм, техник носоз;
3. «Нисса 522» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 693, бошланғич нархи 498.000 сўм, техник носоз;
4. «Зил 164 М» автомобили, 1966 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 697, бошланғич нархи 969.000 сўм, техник носоз;
5. «Шкода Фелиция» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 610, бошланғич нархи 3.117.000 сўм, техник носоз;
6. «Кавз-685 М» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 689,

- бошланғич нархи 1.546.000 сўм, техник носоз;
7. «УАЗ-469» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АО 469, бошланғич нархи 838.000 сўм, техник носоз;
8. «Уаз-452 Д» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 695, бошланғич нархи 1.228.000 сўм, техник носоз;
9. «Раф -2203» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 688, бошланғич нархи 745 409 сўм, техник носоз;
10. «РАФ 2203» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 696, бошланғич нархи 898.000 сўм, техник носоз;
11. «Зил 138» автомобили, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 694, бошланғич нархи 330717 сўм, техник носоз;
12. «М-412» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 L 55-06, бошланғич нархи 228.000 сўм, техник носоз;
13. «Ваз-2101» автомобили, 1976 йилда иш-

- лаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Д 34-13, бошланғич нархи 207.000 сўм, техник носоз;
 14. «Ваз-21063» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 S 57-36, бошланғич нархи 750.000 сўм, техник носоз.
- Кимошди савдолари соат 16.00 да бошланади.**
- Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхта-тилади.
- Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**
Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Спорт

ЖИДДИЙ ҲАМ ТИЛАЙМИЗ

Бугун футбол бўйича терма жамоамиз олдида, айтиш мумкинки, ўз тарихидаги энг жиддий имтиҳонлардан бири турибди — «Пахтакор» марказий стадионда ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш турнирининг сўнгги учрашувида албатта Кувайт терма жамоасини енгишимиз шарт.

Ушбу «хаёт-мамонт» жангидаги муваффақият янги бош мураббий Роберт Хоугтон етакчилигидаги бош жамоамизга чемпионат сари курашини давом эттириш учун имконият беради.

Терма жамоамиз ушбу ҳал қилувчи учрашувга тайёргарлик юзасидан сўнгги машқ йиғинларини 8 августдан бошлаб ўтказди ва йиғинларимиз яхши спорт формасига тушишга ҳаракат қилишди. Куйида мухлисларни охириги ўйинга жалб этилган ўйинчилар рўйхати билан таништириб ўтамиз.

Дарвозабонлар: Евгений Сафонов («Шинник» (Россия), Игнатий Нестеров («Пахтакор» (Тошкент), Юрий Цой («Локомотив», Тошкент).

Ҳимоячилар: Арсюр Аликулов, Алексей Николаев («Пахтакор» Тошкент), Камолддин Кенжаев («Насаф», Қарши), Февзи Давлетов («Жетису», Қозоғистон), Николай Шишов («Ростов», Россия).

Ярим ҳимоячилар: Сервер Желаров, Тимур Копалде, Элдор Магдеев («Пахтакор», Тошкент), Миржалол Қосимов («Машвал», Муборак), Леонид Кошелев («Шинник», Россия), Андрей Аюпанц («Ростов», Россия), Илбё Зейтуллаев («Реджина», Италия), Виктор Карпенко («Қайрат», Қозоғистон).

Ҳужумчилар: Зафар Холмуродов («Насаф», Қарши), Максим Шацких («Динамо», Украина), Александр Гейнрих («Торпедо», Россия), Марат Бикмаев («Крилья Советов», Россия), Анвар Солиев («Пахтакор», Тошкент).

Кеча шахримиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ҳар иккала терма жамоа бош мураббийлари — Роберт Хоугтон ҳамда Михай Стойкице иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бош мураббийлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарганларини холда ҳар иккала жамоа учрашувга яхши тайёргарлик кўрганлини қайд этишди. Фақат терма жамоамизнинг жароҳат олган холда ўйинга туша олмайдиган етакчи ўйинчилари Леонид Кошелев ва Бахтиёр Ашурматовлар ўрнида майдонда тўп сурайдиган футболчилардан бор куч-маҳоратларини кўрсатиш талаб этилади.

Биз жиддий ва мураккаб ўйинда юртдошларимизга омад тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Жамоат ташкилотларида

ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ

Халқимизнинг асрлар мобайнида интиқиб кутган озодлик ва эрк байрами — Истиқлолимизнинг 14 йиллик шодиёнаси тўбора яқинлашиб келмоқда. Бўйлиги Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда кутиб олиш мақсадида барча қорхона, ташкилот, муассасалар томонидан кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгашида бу борадаги ишларнинг илк босқичи сифатида «Истиқболимиз тимсоллари», «Миллий армия — таянчимиз, фخرимиз» мавзуларида тадбир ўтказилди. Унда «Ватанпарвар» ташкилоти тизимида фаолият юритаётган соҳа ходимлари, Тош-

кент Бирлашган техника мактаби курсантлари ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси ўринбосари Шарифжон Мўминжонов, «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Нарзид-

Тошкент Ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшувчи мутахассислар тайёрловчи етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади.

Маълум

КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мутахассисларнинг фикрича ахборот технологияларини ривожлантириш, нафақат пойтахт туманларига, балки мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига, чекка қишлоқ жойларига глобал Интернет тармоғини етказиш кўпроқ малакали кадрлар етиштириш ва уларни қайта тайёрлаш билан ҳал этилади. Шу боис жорий йилда ҳукумат қарори билан Тошкент Ахборот технологиялари университети-нинг бешта ҳудудий филиаллари очилди. Шунингдек, университетнинг Самарқанд, Фарғона, Навоий, Урганч, Қарши вилоятларида ташкил этилган филиалларига абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинди.

Бундан ташқари Тошкент Халқаро Вестминстр университетида халқаро даражадаги мутахассислар тайёрланмоқда. Қувонарли томони шундаки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари яқин йиллар ичида Тошкентда Япониянинг Васеда университети филиалини очилиши режалаштирилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига қўллаш бўлими ташкил этилди. Бундан ташқари ҳозирда барча олий ўқув юртиларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа бир қатор олий таълим муассасалари таълим жараёнида электрон сабқ бериш, электрон дарслик яратиш, электрон кутубхона тизимини татбиқ этишда қатор янгиликлар яратилмоқда.

Дилором ДЎСТМУХАМЕДОВА

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 15-тур беллашувлари кутилмаган натижаларни ҳада этди.

Сўзубон

МУҲЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРГАН ҒАЛАБА

Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу тур пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» жамоасини мухлисларига қувонч келтирди.

Ўз майдонларида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилган темирўлчилар уюшқоқ холда ҳаракат қилишиб, фарғоналик рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Аввалло, шунини айтиш лозимки, Тошкентдан очко билан кетишни ният қилган мураббий Саркисяннинг шогирдлари ҳужумкор ўйин кўрсатиш учун астойдил интилишди. Аммо, ҳар бир чизқида бехато ҳаракат қилган мезбонлар аста-секин ўйин жиловини ўз қўлларига олишди. Шу кунини мухлислар ҳужумкор, тезкор, комбинацион учрашувнинг гувоҳига айланишди. Шиддатли кечган баҳсда дарвозалар уч

бора ишғол этилди. Мезбонлардан Усмонхўжаев ҳамда Халимтоевлар томонидан киритилган иккита голга мезбонлар Холматовнинг биттагина тўпи билан жавоб қайтара олишди. Хуллас 2:1 ҳисобида чиройли ғалабага эришган «Локомотив» жамоаси турнир жадалларида мавқеини анча яхшилаб олди. «Нефтчи» эса эндиликда кумуш медаллардан умидини узса ҳам бўлади.

Қолган учрашувлар куйидагича яқунланди: «Сўғдиёна» — «Навбахор» — 1:0, «Насаф» — «Машвал» — 1:0, «Тўпаланг» — «Самарқанд-Динамо» — 2:1, «Трактор» — «Металлург» — 1:2.

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 16-тур беллашувлари 21 август кунини бўлиб ўтди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ЯХШИ КАЙФИЯТ ҲАМРОҲ БЎЛСИН 18 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Мунажжимлар бугун яхши янгиликлар, ажойиб истиқболлар ва қувончли воқеаларни ваъда қилишган. Ўзоқ вақтдан буён режалаш қорилган ишларни бошлаб юбориш учун ҳам бугунги кун хайрли бўларкан. Металлга ишлов бериш, қурилиш ашёлари, кўчмас мулк ва деҳқончилик билан боғлиқ амалиётлар ҳам омадли бўлиши кутилади.

Билимлар сайёраси Меркурийнинг Арслон буржининг барбод қилувчи деб аталадиган 10-даражасида бўлиши эса, ахборотлар билан ишлашда эҳтиёткорликка чорлайди. Зеро, нотўғри хулоса чиқариб қўйиш ёки бирон-бир ёлғон хабарга ишониб қолиш хавфи мавжуд.

Бугун олган маълумотларингиз (ёки бугун юзага келган янги танишувлар) 4-6 июль ва 11-15 август кунлари ҳаётингизда рўй берган воқеалар билан қиёслаб кўринг. Ўлар ўртасида қандайдир сирли боғлиқлик мавжуд.

Бугун Қўёш тақвими бўйича 1-кун бўлиб, унинг мароми янги муҳим ишга қўл уришингизга имконият яратади. Бугунги тонг ва бугун кунини ижодий меҳнатга бағишлаб, кечқурун яхшилаб дам олинг.

Сафарлар ва савҳатларга йўл олиш, меҳмон кутиш ёки ўзингиз меҳмонга боришингиз бугунги кунга мароқ бағишлайди. Албатта, болаларга эътибор қилинг, улар билан ўйнаб, ёқимли соғалар билан кўнгулларини олинг. Зеро, болалар бугун таъсирчан ва ҳиссиётларга берилувчан бўладилар. Уларнинг илтижолари ва инжиқликларини беэътибор қолдирманг.

Калит ёки қулфингиз, шунингдек ойнанинг синиши бугун нохушлик аломатларига қиради. Уйга ўчиб кириб қолган қуш эса — сизни кутаётган қувончли воқеадан огоҳлантириш бўлиши мумкин.

Кундузи кўрган тушларингиз ўнгидан

дин Ризаметов, республика «Шахидлар хотираси» хайрия жағмараси раиси, профессор Наим Каримов, «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири Умида Абдуазимовалар сўзга чиқиб, Мустақиллик йилларида миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва моддий-техник негизининг мустаҳкамлаб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шундан сўнг анжуман қатнашчилари «Ватанпарвар» ташкилотининг тарихий музейи билан яқиндан танишдилар. Экспонатлардаги она-юрт озодлиги йўлида шахид кетган ота-боболаримиз хотирасини ўзида мўжассам этган лавҳалар ёшунга катнашчилар кўнглига Ватаннинг нақадар буюклигини яна бир бор аниқлатган бўлса ажаб эмас.

Ҳайдарали ФАТТОХОВ

келади. Тушда отлар ва такаларни кўриш жуда яхши аломатлар ҳисобланади. Бугун ҳаммом ва саунага бориш, косметика салонига ташриф буюриш фойдали бўлади. Чунки шу кунини яшариш жараёнида юз бераётган бўлади. Бугун яна ёнгликдан ўзингизни олиб қочманг — нимани кўнгулнинг тўсаса еверинг. Лекин спиртли ичимликларга ружу қўйманг — оқибати ёмон бўлади.

Кийимларингиз ёрқин ранглари бугунги кун руҳига мос тушади. Қорамтир, қулранг ва жигарранг либослардан ўзингизни тортинг.

БУГУН:

- ўзингиз бирпасда удалайдиган ишлар билан шуғулланиш;
- сафарга йўл олиш, ўзингизга яхши таниш бўлган жойлар бўйлаб сайр қилиш;
- кун режасини тўзиб олиб, уни бажаришга интилиш;
- тажрибали кишилар, мутахассислар маслаҳатларига қулоқ тутиш;
- эски-туски буюмларни таъмирлаш, тикиш-бичиш билан машғул бўлиш, рўзгордаги майда-чуйда камчиликларни тўғрилаш;
- яхши уфатлар билан дам олиш тавсия этилади.
- Худбинлик, тақаббурилик намён этиш, шухратпарастлик, иззатталаблик майларига берилишдан ўзингизни асранг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2005 йил 27 августдан бошлаб	«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБЎ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
КУЗГИ-КИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ» Катта халқаро байрам дастури	
Дастурдан: ўргатилган куч-қучалар, майдунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқари томошалар ўрин олган.	
ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!	
Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.	
Чиптаалар цирк касаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.	
Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталаб соат 9.00 дан ишламайди.	
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.	

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Буюртма Г-709.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тираж, оғир сўзлик усулида босилади.
2496 нусхада босилади. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сенанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етаклаб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акционерлик компанияси бошқомисси, Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.